

**Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" Акциядорлик Жамияти
Акциядорларининг 2022 йил якунларига бағишланган
Йиллик Умумий Йиғилиши
БАЁНИ.**

Йиғилиш ўтказилган сана: 27.06.2023 йил

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 15-00

Йиғилиш ўтказилган манзили: Қўқон шаҳри, Фуркат кўчаси 100 уй.

Жамиятнинг акциялари умумий сони – 48 797 дона

шундан: овоз берувчи акциялари сони – 44 125 дона;

Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони- 24 887 дона

Умумий йиғилиш кворуми- 56,40 %

Қатнашдилар:

№ т/р	Ф.И.Ш.	Акциядорнинг номи	Акциялар сони, дона	Улуши, (%)
1.	Маматхонов М.Н.	Қўқон шаҳар ҳокимлиги	24887	56,40
	ЖАМИ:		24887	56,40

Йиғилиш раиси: М.Маматхонов — Жамиятнинг 24887 дона оддий акцияларига эгалик қилувчи — Қўқон шаҳар ҳокимлигининг ишончли вакили.

Қатнашганлар:

Йиғилиш котиби: М.М.Ўринбоев

“AUDIRES” МЧЖ аудиторлик ташкилоти директори В.В.Умматов

Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди.

1. 2022 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.

2. 2022 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

3. 2022 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.

4. Ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.

5. 2022 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш.

6. 2023 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

7. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Жамият бошқаруви аъзоларини сайлаш.
9. Жамият бошқаруви раисини ваколатини узайтириш ёки муддатдан олдин тугатиш.

10. Жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.

11. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

12. Жамият тафтиш комиссиясини тугатиш тўғрисида.

Сўзга чиқдилар:

Йиғилишда қатнашган Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" акциядорлик жамияти акциядорлари томонидан йиғилиш раиси этиб бир овоздан Қўқон шаҳар ҳокимлигининг ишончли вакили М.Н.Маматхоновни сайлашди. Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов навбатдаги йиллик умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни санок комиссиясининг раисига берди.

Санок комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 44125 та овозга эга бўлган 29 та акциядорлардан 24887 та овозга эга бўлган 1 та акциядор катнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 56,40 % ини ташкил қилади. Қонунчиликда белгиланган тартибга асосан кворум мавжудлиги сабабли умумий йиғилишни очиш бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси, М.Н.Маматхонов йиғилишда жамият Кузатув кенгаши, ижро органи иштирок этишаётганлигини айтиб, йиғилиш раёсатини, котибиятини ва санок комиссиясини сайлаб олишни таклиф этди.

Жамият акциядори йиғилиш раёсатини 2 кишидан иборат таркибда сайлашни ва раёсатга жамият акциядори Қўқон шаҳар ҳокимлиги вакили М.Н.Маматхонов ва бошқарув раиси Ж.А.Мелибаевларни сайлашни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини юритиш учун йиғилиш котибиятига М.М.Ўринбоевни бир овоздан тасдиқланди.

Жамият Кузатув кенгашининг 31.05.2023 йилдаги мажлисида Хошимова Махоратхон, Кадирова Маликахон ва Якубжанова Маъмурахонлардан иборат умумий йиғилиш санок комиссияси ташкил этилган эди. Санок комиссияси аъзоларининг сони ва комиссиянинг ушбу шахслардан иборат таркибини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ҳамда бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва умумий йиғилишнинг қуйидаги регламентини таклиф қилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачи Ж.Мелибаевга 10 дақиқагача, қолган масалалар бўйича маърузачиларга 5 дақиқагача ва музокараларда сўзга чиқувчиларга ҳам 5 дақиқагача вақт беришни, йиғилишни

танафуссиз 1 соат ичида якунлашни таклиф қилди ва ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан мақулланди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўтилди.

Кун тартибидаги **1-масала** юзасидан йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов ҳисобот берди.

М.Н.Маматхонов жамият Кузатув кенгаши томонидан ҳисобот йилида чакирилган ва ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишлари, кенгаш мажлислари, уларда кўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек маърузачи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўз вақтида бажариш мақсадида Кузатув кенгаши томонидан кенгашнинг йиллик иш режаси тузилганини, чора ва тадбирлар ишлаб чиқилганини, кенгаш номига тушган хатлар ва мурожаатларга ўрнатилган тартибда, ўз вақтида жавоблар берилгани ҳам айтиб ўтилди. Ҳисоботчи томонидан жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чакириш, уни ўтказиш бўйича Кузатув кенгаши йиғилишларида тегишли қарорлар қабул қилинганлиги таъкидлаб ўтилди. (маъруза матни илова қилинади)

Муҳокамадан сўнг **“кузатув кенгашининг ҳисоботи ва 2022 йилдаги қарорлари тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга кўйилди.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов кун тартибидаги **2-масала** юзасидан ҳисобот бериш учун сўзни жамият бошқаруви раиси Ж. Мелибаевга берди.

Жамият бошқарув раиси Ж.Мелибаев ҳисоботида 2022 йилда қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни тўлашлигини ҳисобга олиб, йил давомида умумий тушум **1 646 665,15** минг сўм, соф тушум бўлгани, маъмурий харажатлар **685 817,40** минг сўм, фойда солиғини тўланганга қадар соф фойда **9 754,18** минг сўм, фойда солиғи **1 463,20** минг сўм, олинган соф фойда миқдори **8 290,98** минг сўмни ташкил қилганлигини айтиб тушунтириш берди.

2022 йилда тасдиқланган бизнес-режа бўйича **72480,0** минг.сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлса, амалда **8 290,98** минг.сўм соф фойда олишга эришилди. Соф фойда бизнес-режа бўйича бажарилмаган сабаби - Қўқон шаҳар “Дехқон бозор” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 16 январ куни 3-сонли йиғилиш баёнида билдирилган масаласи ва қарорига асосан:

- Қўқон шаҳар “Дехқон бозор” АЖ учун аълоҳида трансформатор (ТП)нинг қуввати олдинги трансформатор (ТП)дан қуввати коттаси алмаштирилиши белгиланган ҳамда “Diskont Invest” МЧЖ томонидан қиймат баҳоси 150 043, 0 минг сўм баҳоланиб АЖ балансига киритилган.

- бозор ички йуллари ва брусчаткалар тўлик таъмирланиб 107 065, 0 минг сўм сарфланган.

- бозор худудидаги маиший чиқиндиларни сақлаш жойи қайта қурилиб 32 260,0 минг сўм сарфланган.

Дехқон бозор тадбиркорларига ва харидорларига куз-қиш мавсумида шарт-шароит яратиш мақсадида бажарилган ишлар, харажатлар миқдорини

ошишига олиб келганлигини ва соф фойдага таъсир қилганлигини тушунтириб ўтди.

2022 йилда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга – **654 648,0** минг сўм маблағ тўланди.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан музокарага чиққан Кузатов кенгаши раиси М.Н.Маматхонов ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, дебитор, кредитор қарздорликларни янада бартараф этиш кераклигини айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг **“Жамият бошқарувининг 2022 йил учун ҳисоботи тасдиқлансин ва қоникарли деб баҳолансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **3-масала** бўйича жамият бош ҳисобчиси Ф.Баходировга сўз берилди.

Маърузачи ҳисобот йили учун тузилган бухгалтерия баланси (форма №1), молиявий натижалар (форма№2) ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини қисқача таништирди ва акциядорлардан 2022 йил якунлари бўйича тузилган жамият бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлашни сўради.

Муҳокамадан сўнг **“Жамиятнинг 2022 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин”** деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **4-масала** бўйича “AUDIRES” МЧЖ аудиторлик ташкилоти директори В.В.Умматовга сўз берилди.

Маърузачи ҳисобот йили учун тузилган бухгалтерия баланси (форма №1), молиявий натижалар (форма№2) ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини қисқача таништирди ва йиғилиш қатнашчиларига 2022 йил якуни бўйича аудит текшируви ўтказилиши АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ томонидан белгиланган эди, лекин АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ нинг 01.02.2023 йил №7-сонли хатига асосан “AUDIRES” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Қўқон шаҳар “Дехқон бозор” АЖнинг 2022 йилги молия-хўжалик фаолияти бўйича берилган ижобий хулосаси тасдиқлансин деган қарорга бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **5-масала** бўйича ҳам ижро органи аъзоси, жамият бош ҳисобчиси **Ф.Баходировга** берилди ва маърузачи қуйидагиларни айтиб ўтди:

Қўқон шаҳар “Дехқон бозор” АЖда 2022 йилда олинган 8 290 980,00 (саккиз миллион икки юзи тўқсон минг тўққиз юз саксон) сўм соф фойда тақсимланиши, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 23 майдаги 03/09-6-17/2114-сон хатига асосан тақсимланишини билдирди ва Кузатов кенгаши раиси М.Н.Маматхонов ўз фикрларини билдириб, соф фойдани Кузатов кенгашига бошқарув томонидан тақдим этилган таклифи асосида қуйидагича тақсимланиши акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши тасдиғига киритиш белгиланган эди.

Шундан сўнг Ф.Баходиров ўз маърузасида 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамиятимиз соф фойдаси 8 290 980,00 сўмни ташкил қилди. Соф фойда миқдори “AUDIRES” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг берган хулосаси билан ҳам тасдиқланган.

Жамият Кузатув кенгаши ўзининг 2023 йил 31 майдаги мажлисида соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тавсиясини ишлаб чиқди:

Дивидентларга	- 50% (4 145 490 сўм)
Жамият заҳира фондига	- 5% (414 549 сўм)
Бозорни ривожлантиришга	- 45% (3 730 941 сўм)

Дивидендлар тўлови акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори қабул қилган кундан бошлаб 60 кун ичида, юридик шахслар-акциядорларга ҳисоб-варақларига пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар-акциядорларга корхона газнаси орқали нақд пул бериш, пластик карталар, омонат дафтарчалари, акциядорларнинг ёзма аризасига кўра коммунал ва бошқа тўловларга пул ўтказиш орқали амалга оширилади. Сизлардан ушбу тақсимотни тасдиқлаш учун овоз беришларингизни сўрайман.

Муҳокамадан сўнг **“2022 йил якунлари бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш юқоридаги тартибда амалга оширилсин”** деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **6-масала** юзасидан жамият бош ҳисобчиси Ф.Баходиров сўзга чиқиб йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2023 йилга белгиланган бизнес-режаси Кузатув кенгашининг мажлисида кўриб чиқилиб, жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тасдиқлаш учун маъқулланган.

Кўкон шаҳар ҳокимлиги ишончли вакили М.Н.Маматхонов бизнес режа тузиш тартибларига кўра 2023 йил даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш масаласида тайёрланган бизнес режада соф фойда миқдорини Кузатув кенгашининг йиғилишида танқидий кўриб чиқилганлигини, соф фойдани кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва келажакда яна ҳам юқори фойдаларга эришишни режалаштирилиши, 2023 йилда соф фойда режасини 94023,0 минг.сўм этиб белгиланаётганлигини айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг **“Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасида соф-фойдани 94023,0 минг сўм режалаштирилсин ва тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш муҳокамасига киритилган **7-масала** бўйича йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов қуйидагиларни айтиб ўтди:

Жамият Кузатув кенгаши таркибини сайлаш юзасидан Кўкон шаҳар ҳокимлиги ишончли вакили сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши таркибига

янги номзодлар киритиш тўғрисида таклифлар билан Қўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан 14.06.2023 йил № 02-31/325-сонли ишончнома иловасига асосан номзодлар таклиф этилган.

Кузатув кенгашининг 31.05.2023 йил кунги №5-сонли йиғилишдаги қарорига асосан “Юлинтер” МЧЖ вакилини Кузатув кенгаши аъзолигига номзодини қўйиш белгиланган.

“Юлинтер” МЧЖ томонидан Кузатув кенгаши аъзолигига ўз вакилининг номзоди қонунда кўрсатилган ҳужжатларини ўз вақтида тақдим этмаганлиги сабабли кун тартибида муҳокамага қўйилмади.

Кенгаш аъзолигига сайлаш учун кўрсатилган номзодлар рўйхати қўлларингиздаги овоз бериш бюллетенларининг иловасида келтирилган номзодларга кумулятив овоз беришлари ҳамда ушбу номзодлардан кузатув кенгаши таркибига сайланишини айтиб ўтди ва ушбу номзодлар билан таништирди:

Т/Б №	Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар	Иш жойи
1	Маматхонов Мухтор Набиhoнович	Қўқон шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси
2	Мавлонов Бунёд	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи
3	Саидахмедов Улуғбек	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи ўринбосари
4	Бабаев Абдурашид Фазлитдинович	Қўқон шаҳар ҳокимлиги котиби
5	Тошбоев Илҳом	Фарғона вилояти бозорлар ва савдо комплекслари уюшма раиси ўринбосари

Кун тартибидаги **8-масала** жамиятга сайланаётган бошқаруви таркибига қуйидаги номзодларни таклиф этди:

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларидан бу масалада овоз беришларини сўради.

1.	Мелибаев Жаҳонгир Адилевич	Бошқарув раиси
2.	Баходиров Фахриддин Фарходжон ўғли	Бош ҳисобчи
3.	Қаюмов Асрорбек Адхамжон ўғли	бош назоратчи

Муҳокамадан сўнг “**жамият бошқарувининг янги таркиби рўйхат бўйича сайлансин**”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **9-масала** жамият бошқаруви раисини ваколатини узайтириш.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов сўзга чиқиб, 2022 йил молиявий хўжалик йили давомида жамият бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келаётган

Мелибаев Жаҳонгир Адидович номзодини жамият бошқаруви раиси этиб сайлаш (муддатини узайтириш) таклифини киритди ва йиғилиш қатнашчиларидан бу масалада овоз беришни сўради.

Кун тартибидаги **10– масала** 2023 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов жамиятнинг 2023 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш юзасидан қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар тушганлигини айтиб ўтди:

- АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти – 5 000 000 сўмлик тижорат таклифини берган;

- “AUDIRES” МЧЖ аудиторлик ташкилоти – 4 000 000 сўмлик тижорат таклифи берган;

- “AKADEMIK AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти – 7 000 000 сўмлик тижорат таклифини берган.

Мажлис раиси йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2023 йил фаолиятини аудит текшируви учун тўланадиган ҳақнинг миқдори ва ўз таклифини киритган аудиторлик корхоналар тажрибасини инобатга олиб, кўпчилик акциядорлар ва корхона мутахассисларини фикрларини инобатга олиб 4 млн.сўм тижорат таклифи билан қатнашаётган “AUDIRES” МЧЖ аудиторлик ташкилотини бюллетенда овоз беришларини сўради.

Кун тартибидаги **11–масала** жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов сўз олиб Корпоратив бошқарув кодекси бўйича қисқа тушунтириш берди.

Кодекс АЖ бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат эканлиги, Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда АЖни узоқ муддатли истикболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилганлиги айтиб ўтилди ва Қўкон шаҳар “Дехкон бозор” АЖда Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар қоникарли эканлиги, 2023 йил 06 июнь мустақил баҳоловчи “Ишонч ЛТД” МЧЖ томонидан 2022 йилда корпоратив кодекс тамойилларига риоя этилиши юзасидан хулоса олинганлиги ва бу қоникарли хулоса эканлигини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди, шундан кейин Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани овозга қўйди.

Кун тартибидаги **12–масала** бўйича йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов сўз олиб Қўкон шаҳар “Дехкон бозор” АЖ тафтиш комиссиясини Давлат

Активларини Бошқариш Агентлигининг 2022 йил 22 апрел кунги 01/08-1-18/298 сонли хатига асосан тугатиш юзасидан Кузатув кенгашининг №2-сонли 26.10.2022 йилдаги мажлисида кўриб чиқилган, жамият тафтиш комиссия аъзолари Қулдашев Ровшан, Ахмедова Одинахон ва Мирзамўйдинов Эминжонларни умумий йиғилишга жамият тафтиш комиссиясини бекор қилинганлиги тасдиқлаш учун чиқарилди.

Музокаралардан сўнг “Жамият тафтиш комиссияси Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг хатига асосан бекор қилиш таклифи тасдиқлансин”, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов мазкур масалалар юзасидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

Овозларни ҳисоблаш учун 15 минут танаффус эълон қилинди.

(танаффусдан сўнг)

Хақиқий деб топилган бюллетенлар сони 1 дона, яъни 24 887 та овоз.

Овоз бериш натижалари ҳисобланганда, овозлар қуйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:

Қун тартибининг 1-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Қун тартибининг 2-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Қун тартибининг 3-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Қун тартибининг 4-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Қун тартибининг 5-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Қун тартибининг 6-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Қун тартибининг 7-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Қун тартибининг 8-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг 9-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 10-масаласи бўйича:

- АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ

“Ёқлайман” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

- “AUDIRES” МЧЖ

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

- “AKADEMIK AUDIT” МЧЖ

“Ёқлайман” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 11-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Кун тартибининг 12-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 24 887 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Йиғилиш раиси санок комиссиясининг баённомаларини инобатга олишни сўради.

“Ёқлайман” – 100,0 %, “Қаршилар” – Йўқ, “Бетарафлар” – Йўқ.

Йиғилиш раиси акциядорлардан йиғилишни олиб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни сўради. Таклифлар тушмади.

Шу билан умумий йиғилиш ўз иштини тамомлади. Йиғилиш сўнгига,

**ҚЎҚОН ШАҲАР "ДЕҲҚОН БОЗОР" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМий
ЙИҒИЛИШИ ҚУЙИДАГИЧА**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2022 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

2. 2022 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

3. 2022 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин.

4. Ташқи аудитор “AUDIRES” МЧЖ хисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.

5. 2022 йил якуни бўйича жамият соф фойдаси 8 290 980,00 сўм қуйидагича тақсимлансин:

Дивидентларга - 50% (4 145 490 сўм)

Жамият захира фондига - 5% (414 549 сўм)

Бозорни ривожлантиришга - 45% (3 730 941 сўм)

6. 2023 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

7. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари сайлансин:

Т/Б №	Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар	Иш жойи
1	Маматхонов Мухтор Набихонович	Қўқон шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси
2	Мавлонов Бунёд	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи
3	Саидахмедов Улугбек	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи ўринбосари
4	Бабаев Абдурашид Фазлитдинович	Қўқон шаҳар ҳокимлиги котиби
5	Тошбоев Илҳом	Фарғона вилояти бозорлар ва савдо комплекслари уюшма раиси ўринбосари

“Юлинтер” МЧЖ томонидан ўз номзодини кузатув кенгаш аъзолигига қўйиши сўралган. Ушбу масала “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 63-моддасига асосан ушбу масалани муҳокама қилиш рад этилсин.

8. Жамият бошқарув аъзолари қуйидагича сайлансин:

Мелибаев Жаҳонгир Адилович, Баходиров Фахриддин Фарходжон ўғли, Қаюмов Асрорбек Адхамжон ўғли.

9. Мелибаев Жаҳонгир Адиловични Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" АЖ бошқарув раиси лавозимига қайта сайлансин.


10. Жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилоти “AUDIRES” МЧЖ тасдиқлансин; Жами – 4 000 000 сўм деб белгилансин.

11. Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" АЖ фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шакли тасдиқлансин.

12. Жамият тафтиш комиссияси Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг 2022 йил 22 апрел кунги 01/08-1-18/298 сонли хатига асосан бекор қилинганлиги тасдиқлансин.


Йиғилиш раиси,

Қўқон шаҳар ҳокимлиги
ишончли вакили



М.Н.Маматхонов

Йиғилиш котиби



М.М.Ўринбоев

Баённома 06.07.2023 йил кунли икки нусхада расмийлаштирилди

